

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДОН АНДРЕЙ НИКОЛАЕВИЧ**

**АЙРИМ ТРИТЕРПЕН ГЛИКОЗИДЛАРИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ**  
**ТАЪСИРИДА ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ ВА ГИПОФИЗНИНГ**  
**ФУНКЦИОНАЛ МОРФОЛОГИЯСИ**

**14.00.15 – Патологик анатомия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of the Doctor of Sciences (DSc) dissertation abstract**

**Дон Андрей Николаевич**

Айрим тритерпен гликозидлари экспериментал таъсирида қалқонсимон без ва гипофизнинг функционал морфологияси ..... 3

**Дон Андрей Николаевич**

Функциональная морфология щитовидной железы и гипофиза под влиянием некоторых тритерпеновых гликозидов в эксперименте ..... 25

**Don Andrey Nikolaevich**

Functional morphology of the thyroid gland and pituitary gland under the influence of some triterpene glycosides in an experiment ..... 46

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДОН АНДРЕЙ НИКОЛАЕВИЧ**

**АЙРИМ ТРИТЕРПЕН ГЛИКОЗИДЛАРИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ**  
**ТАЪСИРИДА ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ ВА ГИПОФИЗНИНГ**  
**ФУНКЦИОНАЛ МОРФОЛОГИЯСИ**

**14.00.15 – Патологик анатомия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.2.DSc/Tib1329 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус) ва резюме (инглиз тилида) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Магруппов Боходир Асадуллаевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Хамидова Фарида Муиновна</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент <b>Дауреханов Асатай Маметович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор (Қозоғистон Республикаси) <b>Мамажонов Бохадир Солижанович</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўш давлат университети</b> <b>(Қирғизистон Республикаси)</b>

Диссертация ҳимояси 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ да Тошкент давлат тиббиёт университети хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib30.03 Илмий кенгаш мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат тиббиёт университети, 10-ўқув бино, 1-қават. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [info@tma.uz](mailto:info@tma.uz))

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рўйхатга олинган № \_\_\_\_\_). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат тиббиёт университети, 2-ўқув бино, “Б” корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли тарқатиш баённомаси реестри)

**Г.И.Шайхова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Ш. Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**А.Б. Саидов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда қон айланиш тизими касалликлари (ҚАТК), шунингдек, уларнинг аксариятини асосий негизи бўлган атеросклерозни олдини олиш ва даволаш учун самарали дори воситаларини ишлаб чиқиш муаммоси бугунги кунда ҳам ўта долзарб бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) баҳолашига кўра: «...қон айланиш тизими касалликлари дунёда ўлимнинг асосий сабаби ҳисобланади. 2019 йилда ушбу касалликлардан 17,9 миллион киши вафот этган бўлиб, бу дунёдаги барча ўлим ҳолатларининг 32%ини ташкил этади...»<sup>1</sup>. 2021 йилда 10 та асосий ўлим сабабларига 39 миллион ўлим ҳолатлари тўғри келган, бу эса 68 миллион бўлган умумий ўлим ҳолатларининг 57%ини ташкил этади. Дунёдаги асосий ўлим сабаблари икки гуруҳ касалликлари билан боғлиқ: қон айланиш тизими (юррак ишемик касаллиги, инсульт) ва нафас йўллари касалликлари. Атеросклероз билан боғлиқ қон айланиш тизими касалликлари жаҳон миқёсида умумий ўлим кўрсаткичлари статистикасига салмоқли ҳисса қўшади. Шунинг учун ҳам миокард инфаркти ва инсультни олдини олиш учун нарх жихатдан етишиш мумкин бўлган асосий технологиялар ҳамда дори воситаларини (дженерикларини ҳам қўшган ҳолда) қўллаш ҳисобига ноинфекцион касалликлардан (НИК) эрта ўлим ҳолатларини камайтириш замонавий тиббиётнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Жаҳонда ўсимлик хомашёсидан самарали дори воситаларини яратиш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада фитотерапиянинг шифобахш таъсир механизмларини ўрганиш, морфофункционал ўзгаришларнинг паст токсиклиги, метаболик жараёнларда чекланган қўлланилиши, узоқ муддатли қўлланилиши, ножўя таъсирларнинг йўқлигини ҳисобга олинган ҳолда уларни қиёсий баҳолаш, организмдаги гомеостазни тартибга солишда гипофиз-қалқонсимон без тизимининг ролини ўрганиш ва қон томирларида атеросклеротик ўзгаришларни камайтиришга гипофиз ва қалқонсимон безнинг морфофункционал фаоллигининг таъсирини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, янги биологик фаол қўшимчалар яратилишини рағбатлантириш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устивор йўналишига мувофиқ «...дори-дармон ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш ҳамда аҳолига арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб бериш тизимини такомиллаштириш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, эндокрин аъзолар — қалқонсимон без ва

<sup>1</sup>WHO Bulletin. June 11, 2021. Available at: [https://www.who.int/ru/news-room/fact-peets/detail/cardio-vas-cular-diseases-\(cvds\)](https://www.who.int/ru/news-room/fact-peets/detail/cardio-vas-cular-diseases-(cvds)).

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

гипофиз орқали билвосита антиатеросклеротик таъсир кўрсатувчи ўсимлик бирикмаларининг таъсир механизмларини ўрганишга қаратилган тадқиқотларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон “Янги Ўзбекистонни 2022–2026 йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида”, 2025 йил 28 январдаги ПФ–13-сон “Фармацевтика соҳасини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 6 майдаги ПҚ–4310-сон “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисиغا ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотни республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Фитотерапевтик таъсирлар ва тритерпен гликозидларининг амалга ошиш механизмларининг турли жиҳатларини ўрганишга йўналтирилган қатор, жумладан, илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари: Tianjin Academy of Traditional Chinese Medicine Affiliated Hospital (China), Tshwane University of Technology, Department of Pharmaceutical Sciences (South Africa), First Teaching Hospital of Tianjin University of Traditional (China), Department of Clinical Korean Medicine, Graduate School, Kyung Hee University (Republic of Korea), Department of Experimental Biology, Faculty of Science, Palacký University (Czech Republic), Institut für Chemie, Martin-Luther-Universität Halle-Wittenberg (Germany), Programa de Pós-graduação em Ciências Farmacêuticas, Universidade Federal do Paraná (Brazil), Arbuzov Institute of Organic and Physical Chemistry, FRC Kazan Scientific Center, Russian Academy of Science (Russia), Institute of Chemistry, Vietnam Academy of Science and Technology (VAST) (Vietnam), University of Medicine and Pharmacy, Faculty of Pharmacy (Romania), Georgetown

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.washington.edu](http://www.washington.edu), [www.emory.edu](http://www.emory.edu), [www.nottingham.ac.uk](http://www.nottingham.ac.uk), [www.ovgu.de](http://www.ovgu.de), [www.unipi.it](http://www.unipi.it), [www.osu.cz](http://www.osu.cz), [www.shutcm.edu.cn](http://www.shutcm.edu.cn), [www.cdu.edu.cn](http://www.cdu.edu.cn), [www.cqmu.edu.cn](http://www.cqmu.edu.cn), [www.helse-bergen.no](http://www.helse-bergen.no), [www.uoradea.ro](http://www.uoradea.ro), [www.ums.edu.my](http://www.ums.edu.my), [www.mu.ac.zm](http://www.mu.ac.zm), [www.ncgm.go.jp](http://www.ncgm.go.jp), [www.ompu.ac.jp](http://www.ompu.ac.jp) сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

University School of Medicine, Washington (USA), Тошкент давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Тритерпен гликозидларининг турли хил хусусиятларини ўрганиш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: ўсимлик асосидаги статин препаратларининг кенг қўламли қўлланиш имкониятлари аниқланган: дислипидемияларнинг бирламчи олдини олишда (Technion — Israel Institute of Technology, Исроил); кекса ёшдаги беморлар гуруҳида (Yonsei University College of Medicine, Корея); деменцияни даволашда (Institute of Medical Sociology and Rehabilitation Science, Германия); замонавий тиббиётда фитопрепаратларни қўллашнинг самарадорлиги ва истиқболлари илмий асослаб берилган (ФДБХО ТМ «С.М. Киров номидаги Ҳарбий-тиббиёт академияси», Россия Федерацияси); липид миқдорини меъёрлаштирувчи фитопрепаратлар мисолида дори воситаларининг хавфсизлигини энтропия-эҳтимолий таҳлил асосида ўрганиш натижасида доривор ўсимлик воситалари билан даволашнинг хавфсизлиги аниқлаб берилган (ФДБОТМ «Жанубий Урал давлат тиббиёт университети», Россия Федерацияси); *Astragalus kuhitangi* гликозидининг ўсишни рағбатлантирувчи фаоллиги илмий жиҳатдан асослаб берилган (Академик С.Ю. Юнусов номидаги Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўсимлик моддалари кимёси институти, Ўзбекистон Республикаси); *Dipsacus azureus* ўсимлигининг сапонинларида гипогликемик хусусиятлар мавжудлиги аниқланган (Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон); Ўзбекистон ўсимликларидан ажратиб олинган тритерпен гликозид бирикмаларининг антиатеросклеротик хусусиятлари исботланган (Андижон давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон); дори бирикмаларининг фармакодинамикасини ўзига хос хусусиятлар аниқланди, уларнинг бузилишларини тузатиш воситалари ишлаб чиқилди, маҳаллий ўсимлик хомашёсидан дори воситалари изланди (Тошкент давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон).

Дунёда биологик фаол моддалардан фойдаланишнинг турли жиҳатларини ўрганиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: тирик ўсимлик ҳужайрасида ҳосил бўладиган ўсимлик моддаларининг инсон организмига таъсирини ўрганиш, бу моддалар атеросклерозни даволашда қўлланилганда, синтетик препаратларга нисбатан табиийлиги ва юмшоқ таъсири билан ажралиб туради; биологик фаол компонентларнинг комплекс таъсир хусусиятларини баҳолаш, яъни уларнинг таъсири фақат асосий патология билан чекланиб қолмасдан, кенгроқ терапевтик спектрни қамраб олиши; кўп ҳолларда биологик фаол қўшимчалар сифатида рўйхатдан ўтказиладиган нутрицевтиклар хусусиятларини ўрганиш, нутрицевтикларни қўллаш паст даражада бошланаётган атеросклероз ҳолатларида липидлар миқдорини назорат қилишда гиполлипидемик препаратларни қўлламасдан туриб ёрдам берадиган инновацион ёндашув сифатида баҳолаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиёт таҳлили дунёда атеросклерознинг олдини олиш ва уни даволашда фитопрепаратларга бўлган

катта қизиқиш мавжудлигини кўрсатади. Мавжуд хорижий илмий манбаларда анъанавий Хитой тиббиёти гликозидларининг феномени ҳақида маълумотлар келтирилган (Hu Y. ва бошқ., 2022; Sankararaman S. ва бошқ., 2022), шу жумладан тритерпен гликозидлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам мавжуд (Yun-Mi Kang ва бошқ., 2023). Уларнинг фармакологик хусусиятлари, адаптоген таъсирлари ва юрак-қон томир тизимига таъсири, хусусан, холестерин миқдорини камайтириш ва атеросклерознинг олдини олиш қобилиятлари муҳокама қилинган (Zhang Q. ва бошқ., 2018). Гликозидларнинг хусусиятларини ўрганиш борасида эришилган ютуқлар кўрсатилган бўлиб, жумладан, уларнинг адаптоген хусусиятлари ва атеросклерозни даволашдаги эҳтимолий қўлланилиши (Sarker S.D. ва бошқ., 2019), эндотелий муҳофазаси ва қон липидлари даражасига таъсири (Bairwa S. ва бошқ., 2019) баён этилган. Хусусан, дорисиз усуллар (Баглай Ю.С., 2019), липид алмашинувини тузатиш бўйича клиник тавсиялар (Кухарчук В.В. ва ҳаммуаллифлар, 2020), тритерпенларнинг таъсир механизмлари (Миос М. ва ҳаммуал., 2022), шунингдек уларнинг хавфсизлигига оид масалалар (Оковитый С.В. ва ҳаммуаллифлар, 2023) кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда қатор олимлар томонидан ушбу йўналишдаги ўхшаш тадқиқотлар олиб борилган. Доривор ўсимлик моддаларининг таркибида терпеноидлар гуруҳи муносиб ўрин эгаллаб, антиатеросклеротик ва гиполипидемик препаратлар сифатида ҳам аҳамиятга эга (Сыров В.Н. ва ҳаммуал., 2018). Охундедаев Б.С. ва ҳаммуаллифлар (2021) терпеноидлар ва флавоноидларни дори воситалари яратиш учун эҳтимолий асос сифатида ўрганган. Жумалиева Н.Ж. ва ҳаммуал. (2017) эса терпеносимон бирикмаларнинг экспериментдаги махсус фаоллигини тадқиқ қилган. Бирок, маҳаллий ҳамда хорижий манбаларда дипсакозид, ладыгинозид ва хедерагениннинг қалқонсимон без ва гипофизнинг функционал морфологиясига тажрибанинг турли муддатларида кўрсатган таъсирини таққослама таҳлил қилувчи маълумотлар мавжуд эмас. Шу боис, юқорида келтирилган ҳолатлар ушбу тадқиқотни ўтказиш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №5013 ва №9036 «Ўсимлик келиб чиқишли антиатеросклеротик препаратлар таъсирида айрим эндокрин аъзоларни ўрганиш. Баъзи тритерпен гликозидлар таъсирида қалқонсимон без ва гипофизнинг таққослама функционал морфологияси» (2022–2027 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қатор тритерпен гликозидларнинг тажриба шароитида таъсирини қалқонсимон без ва гипофиз морфологиясига нисбатан таққослама таҳлил қилиш, шунингдек ушбу аъзоларнинг морфометрик чегаравий кўрсаткичлари бўйича илмий-амалий Протокол ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

30, 60 ва 90 кун давомида дипсакозид ва ладигинозид қабул қилган тажриба ҳайвонларида қалқонсимон безнинг қиёсий функционал морфологиясини таҳлил қилиш;

7, 15 ва 30 кун давомида ладигинозид ва ҳедерагенин қабул қилган тажриба ҳайвонларида қалқонсимон безнинг қиёсий функционал морфологиясини морфометрик баҳолаш;

7, 15 ва 30 кун давомида ладигинозид ва ҳедерагенин қабул қилган тажриба ҳайвонларида гипофиз безининг қиёсий функционал морфологиясини баҳолаш;

дипсакозид, ладигинозид ва ҳедерагениннинг қалқонсимон безга таъсирининг гистокимёвий ва иммуногистокимёвий хоссаларини тажрибада қиёсий баҳолаш;

қалқонсимон беzi ва гипофизнинг гистологик тузилишини ўрганиш бўйича илмий-амалий Протоколни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тажриба дизайнига мувофиқ, тасодифий тарзда иш режасига мувофиқ гуруҳларга ажратилган 160-та зотсиз, жинсий етук эркак қуёнларнинг қалқонсимон беzi ва гипофизлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** турли тажриба гуруҳлардаги ҳайвонларга ладигинозид, дипсакозид ва ладигинозиднинг агликони — ҳедерагенин каби тритерпен гликозидлар киритилган ҳолда қалқонсимон без ва гипофизнинг функционал морфологиясига оид морфометрик кўрсаткичлари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда стандарт гистологик, гистохимик, иммуногистокимёвий, морфометрик ва статистик-таҳлилий усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ладигинозид қалқонсимон без фаолиятининг умумий морфофункционал кўрсаткич (УМК)ни 30 кун ичида максимал даражада ошишига, тажриба охирига келиб эса пасайишига олиб келиши, дипсакозид учун энг юқори таъсири 60-кунида кузатилиши, тажриба охирига келиб пасайиш кузатилиши, дипсакозид ва ладигинозиднинг қалқонсимон безга бир томонлама таъсири ва тажрибани турли вақтларидаги хусусиятлари асосланган;

ладигинозиднинг 30-кунида коллоид тўпланиш индекси (Ф/Э)га максимал таъсир кўрсатиши, кейинчалик 90-кунга келиб таъсир кучайиши ва дипсакозид индексининг пасайишига олиб келиши туфайли тажриба муддати ошган сайин унинг таъсирининг барқарор кучайиши асосланган;

ладигинозид 30-куни қалқонсимон без фолликуляр эпителийси баландлигининг сезиларли даражада ошишига олиб келганлиги, таъсири 60 кунгача давом этиши ва тажриба охирига келиб пасайиши аниқланиб, дипсакозид динамикани таққослаш асосида 90-кунига келиб безнинг морфофункционал фаоллигининг максимал қийматлар билан барқарор ўсишини кўрсатиши асосланган;

экспрессия параметрларининг ошиши: Ki-67 биомаркери томонидан фолликулярро эпителийнинг митотик фаоллиги ва фолликуляр эпителийнинг 7-кундан бошлаб Vcl-2 биомаркери томонидан апоптозга чидамлилиги, 30-куни максимал даражага етиб бориши, хедерагенин ладыгинозидга нисбатан юқори экспрессияни намойиш этилиши, бу илк бор Ki-67 ва Vcl-2 биомаркерлари орқали ладыгинозид эффектори сифатида талқин қилиниши исботланган;

ладыгинозид ва хедерагенин таъсирида гипофиз безининг морфологиясини қиёсий таҳлил қилиш ва 7, 15 ва 30-кунларда базофил хужайраларнинг УМКни баҳолаш асосида иккала гуруҳда ҳам кўрсаткичнинг аста-секин ўсиши туфайли базофилларнинг нисбий массаси ва қалқонсимон безнинг УМК ўртасида ишончли тўғридан-тўғри боғлиқликни кўрсатиши аниқланиб, ладыгинозид таъсирини амалга оширишда гипофиз безининг иштироки асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ладыгинозид ва дипсакозиднинг қалқонсимон безнинг морфофункционал ҳолатига таъсирининг турлича табиати, қиёсий таҳлил асосида тажрибани турли вақтларида фарқлар аниқланиши асосланган;

ладыгинозиднинг қалқонсимон безнинг функционал морфологиясига тажрибанинг барча босқичларида ортиб боровчи таъсир кўрсатиши, экспериментнинг 30-кунида максимал қийматга эришиши ва кейинчалик 90-кунига келиб аста-секин камайиши, дипсакозид шунга ўхшаш таъсирга олиб келади, аммо унинг максимал таъсири тажрибанинг 60 ва ёки 90-кунида содир бўлиши исботланган;

ладыгинозид ва хедерагениннинг киритилиши қалқонсимон безнинг морфофункционал ҳолатининг тажрибани 7-кунида ошиши, кейинчалик тажриба давомида фаоллик 30 кун ичида максимал кўрсаткичлар билан ошиши, хедерагенин эса қалқонсимон безнинг кучлироқ реакциясини келтириб чиқариши асосланган;

ладыгинозид ва хедерагенин таъсирида тажрибани 7-кунидан 30-кунига қадар аста-секин гипофиз беги фаоллигининг ўсиб бориши, базофил аденоцитларнинг кўпайиши ва қалқонсимон без фаоллиги ўртасидаги боғлиқликнинг корреляцион таҳлили статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқори даражада яқинлиги асосланган;

тажрибада ладыгинозид ва хедерагенин киритилганида Ki-67 ва Vcl-2 биомаркерларидан фойдаланган ҳолда ўтказилган қалқонсимон без морфологиясининг қиёсий тадқиқотлари асосида морфометрик кўрсаткичлар асосланган;

ҚБ ва гипофизнинг гистологик тузилишини ўрганиш учун стандарт шаклдаги маҳаллий кўрсаткичлар асосида тадқиқот алгоритмлари билан Протоколлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, ўтказилган тадқиқотларнинг методологик жиҳатдан тўғрилигига, танланган материалларнинг етарли даражада танланганлиги, тадқиқотда қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, ўзаро бири-

иккинчисини тўлдирувчи гистологик, гистокимёвий, иммуногистокимёвий, морфометрик ва статистик-таҳлилий усуллардан фойдаланганлиги, натижалар халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, олинган натижалар ва хулосалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шакллантирилган хулоса ва таклифлар тиббиёт учун назарий ва амалий аҳамиятга эга, жумладан, тритерпен гликозидлари — дипсакозид, ладыгинозид ва хедерагенин таъсирида гипофиз беши ва қалқонсимон безнинг функционал морфологияси бўйича жорий тадқиқотлар бўлимлари, бу уларнинг клиникадан олдинги тадқиқотлар босқичидан клиник синовларга ўтишига, шунингдек, гипофиз беши ва қалқонсимон без каби эндокрин тизимнинг муҳим органларининг ролини ҳисобга олган ҳолда атеросклероз ривожланишининг батафсил механизмларини тушунишга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гипофиз базофил ҳужайраларининг тасдиқланган статистик жиҳатдан аҳамиятли жавобида ётади, бу эса қалқонсимон безнинг морфофункционал фаоллигининг ортиши билан бевосита боғлиқ, бу ладыгинозиднинг қалқонсимон без-гипофиз тизими орқали воситачилик қилинадиган антиатеросклеротик таъсирининг мумкин бўлган механизмни кўрсатиши, гипоталамус-гипофиз-қалқонсимон без ўқининг нейроэндокрин модератори сифатида ушбу жараёнларда гипоталамуснинг иштирокини ўрганиш бўйича тадқиқотларни давом эттириш зарурлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қалқонсимон без ва гипофизнинг функционал морфологиясига айрим тритерпен гликозидлар таъсири бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* ладыгинозид қалқонсимон без фаолиятининг умумий морфофункционал кўрсаткич (УМК)ни 30 кун ичида максимал даражада ошишига, тажриба охирига келиб эса пасайишига олиб келиши, дипсакозид учун энг юқори таъсири 60-кунда кузатилиши, тажриба охирига келиб пасайиш кузатилиши, дипсакозид ва ладыгинозиднинг қалқонсимон безга бир томонлама таъсири ва тажрибани турли вақтларидаги хусусиятлари асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 28 апрелда 126-сон билан тасдиқланган «Қалқонсимон без гистоморфометрия алгоритмини патологик анатомия бўлимларда қўллаш» ва 2025 йил 28 апрелда 125-сон билан тасдиқланган «Гипофиз безини ўрганиш учун алгоритмик морфометрик дастурлардан патологик морфологияда фойдаланиш» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика патанатомия маркази бўйича 03.06.2025 йилдаги 22-1/1-сон, Андижон патанатомия бюроси бўйича 02.06.2025 йилдаги 008-сон ҳамда Бухоро патанатомия бюроси бўйича 03.06.2025 йилдаги 27-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техника кенгашининг 2025 йил 7 октябрдаги 10-сонли хулосаси).

*Ижтимоий самарадорлиги:* биологик фаол бирикмаларнинг қалқонсимон без фаолиятини унинг тартибга солувчи органи бўлган гипофиз бези орқали модуляция қилиш қобилияти ҳақидаги маълумотлар юрак-қон томир ва эндокрин касалликлар учун фармакотерапия соҳасидаги кейинги тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган ўртача 2000000 сўм маблағларни бирикманинг таъсир механизмларини яхшироқ тушуниш орқали атеросклероз ва унга боғлиқ юрак-қон томир касалликлари асоратларининг олдини олиш натижасида иқтисод қилинади;

*иккинчи илмий янгилик:* ладигинозиднинг 30-кунда коллоид тўпланиш индекси (Ф/Э)га максимал таъсир кўрсатиши, кейинчалик 90-кунга келиб таъсир кучайиши ва дипсакозид индекснинг пасайишига олиб келиши туфайли тажриба муддати ошган сайин унинг таъсирининг барқарор кучайиши асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 28 апрелда 126-сон билан тасдиқланган «Қалқонсимон без гистоморфометрия алгоритмини патологик анатомия бўлимларда қўллаш» ва 2025 йил 28 апрелда 125-сон билан тасдиқланган «Гипофиз безини ўрганиш учун алгоритмик морфометрик дастурлардан патологик морфологияда фойдаланиш» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика патанатомия маркази бўйича 03.06.2025 йилдаги 22-1/1-сон, Андижон патанатомия бюроси бўйича 02.06.2025 йилдаги 008-сон ҳамда Бухоро патанатомия бюроси бўйича 03.06.2025 йилдаги 27-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техника кенгашининг 2025 йил 7 октябрдаги 10-сонли хулосаси).

*Ижтимоий самарадорлиги:* батафсил солиштира тадқиқот дипсакозид ва ладигинозиднинг қалқонсимон безга турли тажриба муддатларида қандай таъсир кўрсатишини аниқлаб беради. Бу эса уларни антиатеросклеротик восита сифатида, шунингдек, эндокрин тизим органларига модуляция қилувчи таъсирга эга моддалар сифатида беморларда тўғри қўллаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* қон айланиш тизими касалликларининг мумкин бўлган асоратларини олдини олиш ҳисобига, стационарда қолиш муддати 3 кунга қисқариши натижасида мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 2160000 сўм маблағлар иқтисод қилинади;

*учинчи илмий янгилик:* ладигинозид 30-кунга қалқонсимон без фолликуляр эпителийси баландлигининг сезиларли даражада ошишига олиб келганлиги, таъсири 60 кунгача давом этиши ва тажриба охирига келиб пасайиши аниқланиб, дипсакозид динамикани таққослаш асосида 90-кунга келиб безнинг морфофункционал фаоллигининг максимал қийматлар билан барқарор ўсишини кўрсатиши асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 28 апрелда 126-сон билан тасдиқланган «Қалқонсимон без гистоморфометрия алгоритмини патологик анатомия бўлимларда қўллаш» ва 2025 йил 28 апрелда 125-сон билан тасдиқланган «Гипофиз безини ўрганиш

учун алгоритмик морфометрик дастурлардан патологик морфологияда фойдаланиш» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика патанатомия маркази бўйича 03.06.2025 йилдаги 22-1/1-сон, Андижон патанатомия бюроси бўйича 02.06.2025 йилдаги 008-сон ҳамда Бухоро патанатомия бюроси бўйича 03.06.2025 йилдаги 27-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техника кенгашининг 2025 йил 7 октябрдаги 10-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* препаратларнинг қалқонсимон без фолликуляр эпителийининг баландлигига таъсири бўйича олинган натижалар уларни клиник амалиётда илмий асосланган ҳолда қўллаш имконини яратади. *Иқтисодий самарадорлиги:* ладигинозид ва дипсакозид Ўзбекистонда ўсадиган ўсимликлардан олиншини ҳисобга олинганда, уларнинг нархи липид профилини тузатиш учун ишлатиладиган тритерпен гликозидларини ўз ичига олган мавжуд препаратлардан пастроқ бўлиши натижасида мазкур касалликни даволаш учун сарфланадиган маблағлар иқтисод қилинади;

*тўртинчи илмий янгилик:* экспрессия параметрларининг ошиши: Ki-67 биомаркери томонидан фолликулярро эпителийнинг митотик фаоллиги ва фолликуляр эпителийнинг 7-кундан бошлаб Vcl-2 биомаркери томонидан апоптозга чидамлилиги, 30-куни максимал даражага етиб бориши, хедерагенин ладигинозидга нисбатан юқори экспрессияни намойиш этилиши, бу илк бор Ki-67 ва Vcl-2 биомаркерлари орқали ладигинозид эффектори сифатида талқин қилиниши исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 28 апрелда 126-сон билан тасдиқланган «Қалқонсимон без гистоморфометрия алгоритмини патологик анатомия бўлимларда қўллаш» ва 2025 йил 28 апрелда 125-сон билан тасдиқланган «Гипофиз безини ўрганиш учун алгоритмик морфометрик дастурлардан патологик морфологияда фойдаланиш» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика патанатомия маркази бўйича 03.06.2025 йилдаги 22-1/1-сон, Андижон патанатомия бюроси бўйича 02.06.2025 йилдаги 008-сон ҳамда Бухоро патанатомия бюроси бўйича 03.06.2025 йилдаги 27-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техника кенгашининг 2025 йил 7 октябрдаги 10-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* шифокорлар ва беморлар учун препарат танлаш имкониятларини кенгайтиради, бу эса атеросклерозни даволаш ва олдини олишда персоналлаштирилган ёндашувни таъминлайди. *Иқтисодий самарадорлиги:* хедерагенинни ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш орқали нархи мақбул бўлган антиатеросклеротик ва гипополидемик таъсирга эга ўсимлик асосидаги восита яратиш натижасида импорт қилинадиган препаратлар ва даволаниш учун сарфланадиган маблағлар иқтисод қилинади;

*бешинчи илмий янгилик:* ладигинозид ва хедерагенин таъсирида гипофиз безининг морфологиясини қиёсий таҳлил қилиш ва 7, 15 ва 30-кунларда базофил ҳужайраларнинг УМКни баҳолаш асосида иккала гуруҳда ҳам

кўрсаткичнинг аста-секин ўсиши туфайли базофилларнинг нисбий массаси ва қалқонсимон безнинг УМК ўртасида ишончли тўғридан-тўғри боғлиқликни кўрсатиши аниқланиб, ладыгинозид таъсирини амалга оширишда гипофиз безининг иштироки асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 28 апрелда 126-сон билан тасдиқланган «Қалқонсимон без гистоморфометрия алгоритмини патологик анатомия бўлимларда қўллаш» ва 2025 йил 28 апрелда 125-сон билан тасдиқланган «Гипофиз безини ўрганиш учун алгоритмик морфометрик дастурлардан патологик морфологияда фойдаланиш» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика патанатомия маркази бўйича 03.06.2025 йилдаги 22-1/1-сон, Андижон патанатомия бюроси бўйича 02.06.2025 йилдаги 008-сон ҳамда Бухоро патанатомия бюроси бўйича 03.06.2025 йилдаги 27-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техника кенгашининг 2025 йил 7 октябрдаги 10-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* гипофиз – қалқонсимон без тизимининг ладыгинозиднинг фармакологик таъсирини амалга оширишдаги мураккаб механизмларини чуқурроқ англашга ёрдам беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган ўртача 1200000–1800000 сўм маблағлар эндокрин тизим органларининг атеросклероз патогенезидаги ролини инобатга олиб эндокрин патология ва атеросклерозга эга коморбид беморларни даволашда тўғри тактикани ишлаб чиқиш орқали беморни стационарда қолиш муддатини 2–3 кунга қисқартириш натижасида иқтисод қилинади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан, 13 та республика ва 6 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, беша боб, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 188 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган экспериментал тадқиқотларнинг долзарблиги ва талаб юқори эканлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети баён этилган. Ушбу тадқиқотнинг республикадаги фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Илмий янгилик ва тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, уларнинг илмий ва амалий қиймати,

тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, шунингдек, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фитотерапия ҳақида замонавий тасаввурлар: доривор ўсимлик моддалари билан даволаш**» деб номланган биринчи бобида адабиёт манбалари таҳлили асосида фитотерапиянинг тиббиётда қўлланилишига оид маълумотлар батафсил ёритилган. Гликозидлар сақловчи хомашё ва препаратларнинг тиббий қўлланилишига доир замонавий тадқиқотлар келтирилган ҳамда уларнинг кенг фармакологик таъсир спектрига эга эканлиги илмий асосланган. Ушбу моддаларнинг турли касалликларда терапевтик потенциални ишлатиш орқали замонавий тиббиётга қўшган муҳим ҳиссаси таъкидланган. Атеросклерознинг олдини олиш ва даволашда ўсимлик препаратларидан фойдаланиш масалалари ёритилган. Тритерпен гликозидларининг атеросклероз ривожланишига таъсир механизмлари батафсил кўрсатилган. Шунингдек, «гипофиз – қалқонсимон без» ўқи атеросклероз патогенезида қандай аҳамиятга эга эканлиги ҳақидаги маълумотлар очиқланган. Шу тариқа, тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, тритерпен гликозидларининг антиатеросклеротик ва гипополидемик таъсирларини “гипофиз – қалқонсимон без” тизими орқали амалга ошириш имкониятлари ҳақидаги замонавий адабиётлар таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти ва қўлланилган услублар хусусида маълумот берилган. Қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида 160-та қуен иштирокида экспериментал тадқиқот ўтказилди. Ҳайвонлар тасодифий равишда 4-та сессияга тақсимланди:

1-сессия: 30-та ҳайвонга ладигинозид (10 мг/кг) перорал равишда 30 (Лд30), 60 (Лд60) ва 90 (Лд90) кун давомида берилди (ҳар бир гуруҳда 10 тадан). Назорат гуруҳи — 10-та интакт ҳайвон. Жами: 40-та қуён. Тадқиқот объекти — қалқонсимон без.

2-сессия: худди шу схема дипсакозид (Дп) билан амалга оширилди, шу дозалар ва муддатларда (Дп30, Дп60, Дп90). Назорат гуруҳи — 10-та ҳайвон. Жами: 40-та қуён. Объект — қалқонсимон без.

3-сессия: 30-та ҳайвонга ладигинозид (20 мг/кг) 7, 15 ва 30 кун давомида берилди (ҳар бир гуруҳда 10 тадан). Назорат гуруҳи — 10-та қуён. Жами: 40-та ҳайвон. Объект — қалқонсимон без ва гипофиз.

4-сессия: 30-та ҳайвонга хедерагенин (20 мг/кг) худди шу муддатларда (7, 15, 30 кун) берилди. Назорат гуруҳи — 10-та қуён. Жами: 40-та ҳайвон. Объект — қалқонсимон без ва гипофиз.

Тадқиқотнинг асосий услублари сифатида қалқонсимон без ва гипофизнинг гистологик кесимлари морфометрияси дастурлари қўлланилди. Олинган маълумотлар комплекс статистик ишловдан ўтказилди, жумладан, кўпомилли корреляцион таҳлил, Спирменнинг ранг корреляция коэффициенти, шунингдек, чизиқли регрессия усули орқали прогностик моделлар тузилди. Миқдорий кўрсаткичларнинг статистик таҳлили тиббиёт ва биология соҳалари учун мўлжалланган махсус StatTech 4.8.11 дастури

(2025 йил, “Статтех” МЧЖ, Россия) ёрдамида амалга оширилди. Нормал тақсимотга мос келмайдиган миқдорий кўрсаткичлар бўйича икки гуруҳни солиштириш Манн–Уитнининг U-критерийи орқали бажарилди. Шунингдек, қалқонсимон безда иммуногистохимик тадқиқотлар олиб борилди, Ki-67 ва Vcl-2 биомаркерларидан фойдаланилди. Гипофизда эса гистохимик таҳлиллар кумуш билан импрегнация ва ШИК-реакция усуллари орқали амалга оширилди.


Диссертациянинг «Ладигинозид ва дипсакозид таъсирида қалқонсимон безнинг функционал морфологиясининг солиштирма тавсифи» деб номланган учинчи бобида назорат гуруҳидаги интакт қуёнларда қалқонсимон безнинг морфофункционал ҳолати бўйича миқдорий маълумотлар келтирилган. Ладигинозид ва дипсакозид қабул қилган тажриба ҳайвонларида (30, 60 ва 90 кунлик муддатларда) қалқонсимон без морфологиясининг солиштирма тавсифи тақдим этилган. Турли кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш мақсадида корреляцион таҳлиллар ўтказилган.

Тадқиқотда ўрганилган кўрсаткичларнинг рақамли ифодалари қуёнлар учун стандарт ҳудудий кўрсаткичлари билан Протоколни шакллантиришга асос бўлди. Ушбу Протокол (1-жадвал) морфометрик маълумотларни қайта ИШИшлашни оптималлаштириш мақсадида барча қизиқувчи мутахассислар учун илмий ва амалий фаолиятда қўллаш учун тавсия этилади.


#### 1-жадвал

#### Қуёнларда қалқонсимон безнинг нормадаги стандарт ҳудудий кўрсаткичлар протоколи

Кўрсаткичлар	Me	Q <sub>1</sub> – Q <sub>3</sub>	n	min	max
Қўен массаси, кг	2,30	2,15 – 2,50	30	2,00	3,10
ҚБ массаси, мг	232,00	176,75 – 249,00	30	103,00	330,00
ҚБ нисбий массаси, мг/100 г	10,09	8,24 – 10,72	30	4,44	12,31
Коллоид СМ кисми (%)	49,98	48,13 – 65,05	30	39,60	76,00
ФЭ СМ кисми (%)	19,21	16,71 – 20,38	30	13,50	30,00
МЭ СМ кисми (%)	21,79	18,09 – 23,47	30	9,99	34,00
СТ СМ кисми (%)	7,62	5,96 – 9,02	30	1,50	17,36
Фолликул диаметри, мкм	56,92	8,80 – 61,74	30	5,50	82,15
ФЭ баландлиги, мкм	4,92	4,23 – 72,62	30	3,50	92,21
Индекс Ф/Э, ш. б.	5,86	4,17 – 6,89	30	3,63	9,23
СМП, балл	7,04	5,39 – 9,33	30	4,00	12,36




**1-расм. Лд30 гуруҳидаги қуеннинг ҚБ. 1.Кичик диаметрдаги фолликулалар. 2.«Тўрсимон» кол-лоид ва майда вакуолизация. 3.Янги фолликулаларнинг шаклланиши. Гема-токсиллин ва эозин билан бўялган. Кат. х400.**




**2-расм. Дп30 гуруҳидаги қуеннинг ҚБ. 1.Ўртача диаметрли фолликулалар. 2.Йирик вакуолизация ва коллоиддаги «ёриқлар». 3.Межфолли-куляр эпителий тўпланмалари. Гема-токсиллин ва эозин билан бўялган. Кат. х400.**

Тажрибанинг 30-кунлик муддатидаги солиштирма гуруҳларда қалқонсимон без морфологияси.

Тажрибанинг 90-кунлик муддатидаги солиштирма гуруҳларда қалқонсимон без морфологияси




**3-расм. Лд90 гуруҳидаги қуеннинг қалқонсимон беzi. 1.Ўртача диаметрли фолликулалар. 2.Катта вакуолизация ва коллоиддаги «ёриқлар». 3.Коллоиднинг қуюлашиши. Гематоксиллин ва эозин билан бўялган. Кат. х400.**



**4-расм. Дп90 гуруҳидаги қуеннинг қалқонсимон беzi. 1.Кичик фолликулалар. 2. «Тўрсимон» коллоид ва майда вакуолизация. 3.Янги фолликулаларнинг шаклланиши. Гематоксиллин ва эозин билан бўялган. Кат. х 400.**




5-расм. Тажриба муддатлари бўйича ладигинозид - Лд ва дипсакозид - Дп гуруҳларида қалқонсимон безнинг «Ф/Е» индексининг ва фолликуляр эпителий баландлигининг солиштирма динамикаси диаграммаси.




6-расм. Тажриба муддатлари бўйича Лд ва Дп гуруҳларида қалқонсимон безнинг умумий морфофункционал кўрсаткич - УМК солиштирма динамикаси диаграммаси.

Диссертациянинг «Ладигинозид ва хедерагенин таъсирида ҳайвонларда қалқонсимон безнинг морфофункционал ҳолати» деб номланган тўртинчи бобида ушбу препаратлар 7, 15 ва 30 кунлик тажриба муддатларида юборилганида қалқонсимон безнинг функционал морфологик манзарасидаги ўзгаришлар батафсил солиштирма тавсифланган.




7-расм. Лд15 гурухи куенининг қалқонсимон беzi. 1.Фолликулалар кичик ва ўртача ҳажмда. 2.Коллоид микдори камайган. 3.Фолликулалар шаклланмоқда. Гематоксилин ва эозин билан бўялган. Кат. ×400.



8-расм. Хд15 гурухидаги куеннинг қалқонсимон беzi. 1.Кичик диаметрли фолликулалар. 2.Фолликулаларнинг шаклланиши. 3.Коллоиднинг вакуолизацияси. Гематоксилин ва эозин билан бўялган. Кат. х 400.


Таъриба муддати 15 суткада куенларни ҚБ морфологияси 7-расмда – Лд15 гурухи ва 8-расмда – Хд15 гурухи кўрсатилган.

Ки-67 ва Vcl-2 маркерларидан фойдаланилган иммуногистокимевий усуллар қалқонсимон безнинг морфофункционал фаолияти ладыгинозид ва хедерагенин таъсирида кучайиш тенденциясини тасдиқлади. Бунда хедерагениннинг таъсири анча кучлироқ экани намоён бўлди (9 ва 10-расмлар).



Аниқланган хужайралар сони	281
Негатив экспрессия	253
Позитив экспрессия	28
Позитив экспрессияланган хужайралар - %	9,96 %

9-расм. Лд15 гурухидаги куеннинг қалқонсимон беziда Ки-67 МЭ маркерининг сустифодаланган мусбат экспрессияси. Кўриш майдонида 28 та хужайра ядроси қаҳваранг рангда бўялган. Экспрессия даражасини аниқлаш ва сканерлаш QuPath-0.4.0.ink дастури ёрдамида амалга оширилди. Экспрессияланган хужайралар тўқ қаҳваранг рангга эга эди. Бўяш: хромоген Dab. Кат. х40.




Аниқланган хужайралар сони	440
Негатив экспрессия	385
Позитив экспрессия	55
Позитив экспрессияланган хужайралар - %	12,5 %

10-расм. Лд30 гуруҳдаги қуеннинг қалқонсимон безида Ki-67 МЭ маркерининг ўрта даражада ифодаланган мусбат экспрессияси. Кўриш майдонида 55 та экспрессияланган хужайра аниқланди, уларнинг ядроси қаҳваранг рангда бўялган. Экспрессия даражасини аниқлаш ва сканерлаш QuPath-0.4.0.ink дастури ёрдамида амалга оширилди. Бўяш: хромоген Dab. Кат. х40.


Фолликуляр эпителий морфологиясини Vcl-2 ИГХ маркери ёрдамида ўрганиш натижалари 11 ва 12-расмларда келтирилган.

Диссертациянинг бешинчи бобида — «Ладигинозид ва хедерагенин таъсирида ҳайвонларда гипофизнинг морфофункционал ҳолати» — назорат гуруҳидаги интакт ҳайвонларда гипофизнинг гистофизиологиясига оид маълумотлар келтирилган (2-жадвал). Ладигинозид ва хедерагенин юборилганида гипофизнинг функционал морфологик манзарасидаги динамик ўзгаришлар 7, 15 ва 30 кунлик тажриба муддатларида ёритилган.



Аниқланган хужайралар сони	259
Негатив экспрессия	239
Позитив экспрессия	20
Позитив экспрессияланган хужайралар - %	7,72 %

11-расм. Хд15 гуруҳидаги қуеннинг қалқонсимон бези фолликуляр эпителийида Vcl-2 маркерининг паст даражадаги экспрессияси. Кўриш майдонида 20 та экспрессияланган хужайра аниқланган бўлиб, улар ёғоч қаҳваранг рангда бўялган. Экспрессия даражасини аниқлаш ва сканерлаш QuPath-0.4.0.ink дастури ёрдамида амалга оширилган. Бўяш: хромоген Dab. Кат. х40.



Аниқланган хужайралар сони	436
Негатив экспрессия	396
Позитив экспрессия	40
Позитив экспрессияланган хужайралар - %	9,17 %

12-расм. Лд30 гуруҳидаги қуеннинг қалқон-симон беги фолликуляр эпителиида Vcl-2 маркерининг ўрта даражадаги мусбат экспрессияси. Кўриш майдонида 40 та позитив экспрессияланган хужайра аниқланган бўлиб, улар тўқ қахваранг рангда бўялган. Экспрессия даражасини аниқлаш ва сканерлаш QuPath-0.4.0.ink дастури ёрдамида амалга оширилган. Бўяш: хромоген Dab. Кат. х40.


Кузатилган ўзгаришлар фақатгина базофил хужайралар ва тегишли зоналарнинг нисбий массаси ҳамда СМ улушининг ортиши билан чекланиб қолмай, балки хромофоблар, строма ва умумий морфофункционал кўрсаткич — УМКнинг ўсиши билан ҳам бирга кечган. Бу ҳолат хедерагенин таъсирида гипофиз-тиреоид регуляциясининг ладыгинозидга нисбатан кучлироқ фаоллашганини кўрсатади.

Интакт ҳайвонлардаги аденогипофиз (АДГ) бўйича ўрганилган натижалар қуёнлар учун гипофизнинг нормал ҳолатидаги стандарт чегара кўрсаткичлар Протоколига асос қилиб олинди. Ушбу Протокол морфометрик кўрсаткичларнинг тайёр тўплами сифатида зарур ҳолларда илмий-тадқиқот ишларида қўллаш учун тавсия этилади (2-жадвал).


## 2-жадвал

### Гипофизнинг нормадаги стандарт ҳудудий кўрсаткичлар Протоколи

Кўрсаткичлар	Me	Q <sub>1</sub> – Q <sub>3</sub>	n	min	max
Гипофиз нисбий массаси (мг/кг)	9,10	8,68 – 9,59	10	8,00	11,15
АДГ СМ қисми (%)	68,57	66,75 – 70,60	10	64,01	74,21
БЗ СМ қисми (%)	10,05	9,32 – 11,85	10	4,51	14,02
ЭЗ СМ қисми (%)	89,94	88,15 – 90,69	10	85,98	95,49
АДГ нисбий массаси (мг/кг)	6,14	5,83 – 6,86	10	5,50	7,63
БЗ нисбий массаси (мг/кг)	0,61	0,59 – 0,66	10	0,38	1,05
ЭЗ нисбий массаси (мг/кг)	5,44	5,23 – 6,23	10	4,83	7,19
Базофиллар СМ қисми (%)	1,18	1,00 – 1,31	10	0,97	1,67
Эозинофиллар СМ қисми (%)	0,43	0,28 – 0,54	10	0,22	0,74
Хромофоблар СМ қисми (%)	95,40	95,18 – 95,65	10	94,31	96,42
Строма СМ қисми (%)	3,03	2,83 – 3,38	10	1,96	3,68
Базофиллар нисбий массаси (10 <sup>-2</sup> мг/кг)	0,65	0,62 – 0,70	10	0,51	1,75
Эозинофиллар нисбий массаси (10 <sup>-2</sup> мг/кг)	0,22	0,17 – 0,30	10	0,13	0,65
Хромофоблар нисбий массаси (10 <sup>-2</sup> мг/кг)	59,78	57,17 – 79,08	10	36,24	99,03
Строма нисбий массаси (10 <sup>-2</sup> мг/кг)	1,98	1,58 – 2,40	10	1,08	3,63
УМК (балл)	1,28	1,07 – 1,57	10	0,98	2,43




13-расм. Лд30 гуруҳидаги қуённинг гипофизи. 1. Йирик базофилларнинг кўп миқдори, 2. Базофиллар цитоплазмасининг вакуолизацияси, 3. Капиллярларнинг гиперемияси. Гема-токсилин ва эозин билан бўялган. Кат. х 400.




14-расм. Хд30 гуруҳидаги қуённинг гипофизи. 1. Базофиллар йирик, 2. Капиллярларда гиперемия ва гиперплазия якқол ифодаланган. Гематоксилин ва эозин билан бўялган. Кат. х 400.


